

ТАБИАТНИ АСРАБ АВАЙЛАШДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ КЕЛАЖАК
ПОЙДЕВОРИ.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7799376>

Хамдамова Элнура Искандаровна.

*Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети доценти*

Сувонова Гўзал Асроровна.

*Самарқанд Давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар
университети катта ўқитувчиси.*

Юлдашев Қувончбек Шукурулло ўғли

Биотехнология факултети 1-курс талабаси

Жаҳонда атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар ҳозирги кунда ўз ечимини кутаётган долзарб, глобал масалалардан биридир. Инсоният яралибдики, табиат маҳсули сифатида у билан уйғун тарзда яшаб келмоқда. Республикамизда атроф-муҳитга ижобий муносабатларни ривожлантириш, тартибга солиш юзасидан қатор илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда ёшларда экологик маданиятни шакллантириш долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони ҳам ушбу масала бўйича таълим ва тарбия жараёнини экологик масъулиятли хатти-ҳаракатни шакллантиришга йўналтиришни таъминлаш ва таълим жараёнига экологик маданият, экологик таълим ва тарбия масалаларини киритишни талаб қилади. Бундан ташқари мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсатда “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” тамойилига амал қилинаётганлиги ҳам диққатга сазовордир. Айнан шу тамойил асосида олиб борилаётган ишларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга ҳам эътибор берилмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидаги фикрларни келтирган: Атроф муҳит мувозанати ва табиат ҳолатидаги мувофиқликлар инсон ҳаётининг маромини белгилайди. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларнинг бузилиши ўнглаб бўлмас экологик муаммоларни келтириб чиқаради [1,2]

Табиатнинг табиий моддий ресурсларидан ва табиий бойликларидан унумли фойдаланиш, табиатни қўриқлаш масалаларини онгли равишда ҳал этиш учун мактабгача таълим, мактаб, ўрта ва олий ўқув юртларида ўсиб келаётган ёш авлодга табиат ва уни муҳофаза этиш ҳақида экологик таълим-тарбия бериб бориш зарурдир.

Дарҳақиқат, таълим тизимидаги изчил ислохотлар ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтирибгина қолмай, талабаларда экологик маданиятни шакллантиришга ҳам

хизмат қилади. Экологик меъёрларни билиш ёш авлод учун муҳим аҳамият касб этади. Ҳар қайси тарихий даврларда ҳам инсонларнинг табиатга бўлган муносабатлари мавжуд бўлган. Экологик маданият ҳозирда мактабларда ва ўрта махсус таълим даргоҳларида алоҳида ўқитилгани йўқ. Лекин ривожланган мамлакатларнинг таълим соҳасида мустақкам назарий дастурлар асосида таълим бериш йўлга қўйилган. Чунки, экологик таълимни ёритишдан олдин экологик маданиятни ўқувчилар онгига сингдирилиши натижасида дунё табиати ва атроф-муҳитининг ўқувчилар дунёқарашларида маданий жиҳатдан тез ўзлаштирилишига замин яратади. Табиатни асраш учун аввало инсонларда экологик маданиятни шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Экологик маданиятни ривожлантиришда аввалом бор ёш авлодни оиладан бошлаб тарбиялаш, сўнгра уни янада юксалтириш учун ўрта таълим мактабларида табиатга нисбатан муносабат, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида қатнашиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш каби мақсадлар сари тарбиялаш, олий таълим ва ундан кейинги ўқув жаранларида эса экологик меъёр ва мезонлар, экологик қонунларни, ўқитиш билан тўлиқ қамраб олиш, олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустақкамлаш ҳамда ўқув жараёни сифатини ошириш билан боғлиқ амалга оширилаётган тадбирлар таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этиши керак. Дарҳақиқат, таълим тизимидаги изчил ислохотлар ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтирибгина қолмай, талабаларда экологик маданиятни шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Экологик меъёрларни билиш ёш авлод учун муҳим аҳамият касб этади [2, 3].

Бу эса ўз ўрнида бугунги кунда юзага келаётган ва чуқурлашиб бораётган экологик муаммоларнинг олдини олишда муҳим вазифа бўлиб хизмат қилади.

Инсонлар томонидан экологик онг, тафаккур, билим ва мафкура юқори даражадаги савияга эга бўлиши керак. Бу эса инсоннинг экологик маданиятга эга эканлигини кўрсатади.

Экологик маданият – бу табиат ҳақидаги билим, онг, идрок, саводхонлик, интеллектуал салоҳият ва уни амалда қўллай билиш фаолияти, атроф-муҳитга нисбатан фаолиятнинг юксак кўрсаткичи, онгли ва маъсулиятли ёндашувдир. Экологик билим ва экологик маданиятнинг таянч фазилатлари бу:

1) ахлоқий-экологик онглилик шахснинг муҳим маданиятлилиқ сифати бўлиб, унинг атроф – муҳитни ҳиссий билиш жараёни атроф – муҳитдаги объектлар ва ҳодисаларни сезиши, идрок этиши, тасаввур қилиши, зийраклик ва теранлик асосида табиат муҳофазаси бўйича амалий кўникмаларга эга бўлиши лозимлигини назарда тутати;

2) экологик маъсулиятлилиқ шахсда муносабат ва маъсуллиқни тарбиялашда намоён бўлади, бундай муносабат шахснинг билиб-билмай, узоқни ўйламай табиатга кўрсатган салбий таъсири оқибатларини англаш ва бундай таъсири бартараф этиш истаги натижасидагина шаклланади;

3) экологик иродавийлик шахнинг ўзи ва ўзгаларнинг атроф – муҳитдаги ҳатти-ҳаракатларини баҳолаши ва назорат қилиши шахсдаги қатъиятлилиқ, тежамкорлик, озодалик ва покизалиқ билан боғлиқ. Шахнинг экологик маданиятини шакллантиришда экологик кадриятлар алоҳида аҳамиятга эга, уларга табиатни асраб-авайлашга интилиш, ташаббускорлик, изчиллик, меҳнатсеварлик ва онгли фаоллик кабилар киради [2].

Экологик маданиятнинг қарор топиши оила, таълим муассасаси, жамоатчилик, ижтимоий муҳит, шунингдек, вазиятларнинг хилма-хиллиги, бевосита ва билвосита таъсирлар остида рўй беради. Экологик маданият ижтимоий тарбиянинг яна бир муҳим таркибий қисми саналади. Ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик тарбияни экологик маданиятсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Талабаларда экологик маданиятни шакллантириш ахлоқий қиёфа, ижобий хулқ-атвор меъёрларини таркиб топтириш, уларнинг ижодий қобилиятларининг тараққий этишига катта таъсир кўрсатади. Узлуксиз таълим тизимида табиатшунослик, биология, география каби фанларнинг ўқитилиши экологик тарбияни самарали йўлга қўйиш воситаси ҳисобланади [3]. Шу билан бирга кишиларнинг экологик тарбияни ва уларни экологик маданиятини шакллантиришнинг асоси барча фанлар мажмуида экологик билим ва фанлараро экологик интеграцияни яъни боғланишларни кучайтириш энг муҳим омиллардан биридир. Экологик билим ва маданиятини шакллантириш асосида шахс, жамият ва табиат бирлиги ҳамда улар орасидаги алоқадорлигини жамиятнинг барча қатламларига тушунтириш, уларда эко-тизимнинг инсон, инсоният, жамият тараққиётидаги муҳим ўрни ва моҳияти борасидаги тушунчаларни қарор топтириш, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва маъсулият билан муносабатда бўлиш, табиатни асраш тўғрисида ғамхўрлик қилиш туйғуларини қарор топтириш, экологик маданиятни шакллантириш омили ҳисобланади.

С.Н.Глазачев экологик маданиятни “маънавий кадриятлар, ҳуқуқий меъёрлар ва эҳтиёжлар жараёнлари, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларни оптималлаштиришни таъминловчи” деб, таърифлайди. Шу билан биргаликда, экологик маданият ўзига хос жиҳатлари билан ижтимоий-маданий ҳодисага айланиб бораётганлигига тўхталади. Ҳозирги вақтда экологик маданиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, экологик маданият билан боғлиқ эмпирик тушунчалар, табиат ва инсон фаолияти ўртасида глобал миқёсда юзага келган экологик муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш бўйича чуқур билим ва тегишли фаолият зарурдир[3].

Экологик маданиятни ривожлантиришда таълим соҳасида барча фанлар ўртасида интеграцияларни ва илмий тадқиқотларда бу соҳада изланишлар олиб борилиши жоиздир.

Экологик маданият инсонларнинг экологик билимлари ва кўникмалари асосида вужудга келадиган қобилияти ҳисобланади. Маданиятнинг тегишли даражасида инсониятнинг қобилиятини унинг ҳатти-ҳаракатларидан билиб олиш мумкиндир. Экологик тушунча атроф-муҳит концепцияларига асосланган ва табиатга нисбатан

дунёқараши, табиат объектларига йўналтирилган амалий стратегиялар комбинацияси сифатида тушунилади. Атроф-муҳитга ва табиий муҳитга таъсир қилиш бевосита инсон қобилиятининг ҳатти-ҳаракатларига боғлиқ бўлади. Бунда бевосита ўқувчилар онгида экологияни асрашга бўлган ғояларнинг ўсиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса. Экологик маданият келажакнинг асосий муҳим муаммоларидандир. Экологик маданиятни ёшларга сингдириб бориш келажакнинг пойдеворини мустаҳкамлашдан иборатдир. Маънавиятни ва маънавий қадриятларни сақлаш, уларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига алоҳида эътибор бериш, экологик маданиятнинг талабларидан биридир. Экологик маданият фақат атроф-муҳитнинг ифлосланишини эмас балки, инсоннинг ички дунёси ифлосланиши ва сохталашишига олиб келиши ҳам мумкин бўлган муаммоларга таъсир эта олади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030-йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармони. / “Халқ сўзи” газетаси, 2019 йил 31 октябрь, №225 (7455).

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. / “Халқ сўзи” газетаси, 2020 йил 25 январь, №19 (7521).

3. Исмоилова Гулбахор Азамовна. ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ/ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2020, 11 (96) 45-51 б.

4. Умидбек Хаитбаевич Адамбаев, Дустмурод Эргаш ўғли Джораев ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ/ Academic Research in Educational Sciences Volume 3 | Issue 2 | 2022 ISSN: 2181-1385 Cite-Factor: 0,89 | SIS: 1,12 DOI: 10.24412/2181-1385-2022-2-125-134